ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

1-son [88], 2023

Баҳордан дарак

AGRO ILM

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

«O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI» журнали илмий иловаси

Бош муҳаррир:
Тоҳир ДОЛИЕВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирликлари

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0291-рақам билан қайта рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги №201/3-сонли қарори билан қишлоқ хўжалик фанлари, техника, ветеринария ҳамда 2015 йил 22 декабрдаги 219/5-сонли қарори билан иқтисодиёт фанлари бўйича илмий журналлар рўйхатига киритилган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

А.Тўраев (*Ҳайъат раиси*)
Ҳ.Атабаева
М.Аманова
Ш.Бобомуродов
Қ.Бобобеков
А.Даминов
Д.Ёрматова
Ш.Жабборов
А.Ибрагимов
У.Исмайлов
Б.Исроилов
С.Зокирова
А.Мадалиев
А.Маърупов
Р.Назаров
Р.Низомов
Р.Нормахматов
Т.Остонақулов
А.Равшанов
Ф.Расулов
Й.Сайимназаров
Ж.Сатторов
М.Сатторов
Ф.Тешаев
М.Тошболтаев
Е.Торениязов
Д.Тунгушова
А.Тўхтақўзиев
Т.Фармонов
Б.Холиқов
Д.Холмирзаев
Н.Хушматов
Р.Ҳакимов
А.Ҳошимов
С.Шамшетов
Ш.Шообидов
Э.Шаптаков
А.Элмуродов
И.Қўзиев

«O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI» ва «AGRO ILM» журналларида чоп этиладиган илмий мақолаларга қўйиладиган *ТАЛАБЛАР*

1. Мақолалар:

— илмий мазмунга эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;

— тушунарли ва равон баён этилиши;

— охирида эса аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши даркор.

2. **Мақола ўзбек ёки рус тилида** ёзилиши мумкин. Унинг ҳажми шакл ва жадваллар (кўпи билан 1,5 бет), адабиётлар рўйхати, **инглиз** тилидаги аннотация (3—4 қатор) билан бирга **10 бетдан**, илмий хабарлар эса **4 бетдан** ошмаслиги керак. Юбориладиган материаллар А-4 ўлчамдаги оқ қоғозда, **1,5 интервал ва 14 кегльда, Times New Roman** ҳарфида ёзилмоғи лозим.

3. **Мақолани расмийлаштириш (формулаларни ёзиш «Microsoft Equation 3.0» дастурида, жадвалларни тузиш, грекча, катта ва кичик ҳарфларни ажратиш, сўзларни қисқартириш ва бошқалар)** илмий журналлар учун қабул қилинган тартибларда бажарилади. Мақола мазмунига мос **УЎТ индекси биринчи саҳифанинг тепадаги чап бурчагига қўйилади**. Мақола охирида **адабиётлар рўйхати,** муаллифнинг исми, шарифи ва иш жойининг номи аниқ кўрсатилиши керак.

4. Нашр учун тайёр мақола **албатта эксперт хулосаси бўлган ҳолда, 2 нусхада электрон варианти билан қабул қилинади.** Иккинчи нусха муаллифлар томонидан имзоланади. Муаллифларнинг уй ва иш манзиллари, исми ва шарифлари, **телефон рақамлари** тўлиқ кўрсатилиши шарт.

5. Талабларга жавоб бермайдиган мақолалар қабул қилинмайди. Зарур ҳолларда таҳририят мақолани таҳриз учун юборишга ҳақли. Таҳририятга топширилган мақола ва материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

ТАҲРИРИЯТ

2023 йил, 1-сон (88)

Бир йилда олти марта чоп этилади.

Обуна индекси—859

Журнал 2007 йил августдан чиқа бошлаган.

©*«AGRO ILM» журнали.*

Манзилимиз:
Тошкент 100004, Шайхонтоҳур тумани А.Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел/факс: 249-13-54. 242-13-54.
Facebook: uzqxjurnal
Telegram: qxjurnal_uz;
Сайт: www.qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru

МУНДАРИЖА

ПАХТАЧИЛИК

Ш.САМАНОВ, А.АБДУЛЛАЕВ, Д.АРСЛАНОВ, С.РИЗАЕВА. Янги ўрта толали “Генофонд-3” ғўза навининг ҳосилдорлиги ва афзалликлари.....3

Б.АМАНТУРДИЕВ, Д.АХМЕДОВ. Масличность гибридов тонковолокнистого хлопчатника вида *G.Barbadense* L.....4

И.ХАСАНОВ. Эффективное использование азотных удобрений в хлопководстве в гидроморфных почвах.....6

А.ҚАҲРАМАНОВ, И.ҚАҲҲОРОВ, О.ЭРГАШЕВ. Ўрта толали ғўзанинг “ЎзФА-705” навига хос бўлган уч авлод популяцияларида айрим хўжалик кўрсаткичларининг намоён бўлиши.....9

K.BOZOROV, D.BOYBO‘RIYEV, Z.MO‘MINOVA. Paxta hosili va tola sifatiga begona o‘tlarga qarshi kurashish tadbirlarining ta’siri.....10

М.МИРЗАЖАНОВА, Н.ИБРАГИМОВ, Ю.ЮСУПОВА. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида азотли ўғит турларининг ғўза ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.....12

Е.ШЕРМАТОВ, М.МУХАММАДИЕВА, Ф.ДУСИЁРОВ. Статистический метод оценки суккулентного листа хлопчатника растущего в засоленных почвах.....13

ҒАЛЛАЧИЛИК

С.ЗАКИРОВА, Г.ЮЛДАШЕВ, Г.АРТИКОВА. Продуктивность пшеницы в зависимости от норм удобрений на спланированных песках.....15

И.ЭГАМОВ, Х.АШУРОВ. Кузги буғдой навлари кўчат қалинлигига экиш муддатларининг таъсири.....17

Р.СИДДИҚОВ, А.МЎМИНОВ, З.ЯҚУБОВ. Соянинг рақобатли нав синаш кўчатзорида ўстирилган нав ва линияларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари.....19

М.САТТАРОВ, И.АБИТОВ, Р.САИТКАНОВА, А.УЗОҚОВ, Н.ИБРАГИМОВ. Соя навлари туганакларининг ривожланишига микроэлементларнинг таъсири.....21

А.КАМОЛОВ, Т.ХАМИДУЛЛАЕВ, М.КАРИМОВ. Соянинг “Мадат”, судан ўтининг “Чимбайское юбилейное”, кўп йиллик оқ жўхорининг “Азамат” навларининг ўсиши, ривожланиши ва уруғлик ҳосили.....23

X.IDRISOV. Mosh navlarini tadqiq etish natijalari.....24

Р.МИРЗАЕВ, К.АЗИЗОВ, А.ТУРГАНБАЕВ, И.НАЗАРЫМБЕТОВ, Ж.ХУСАНОВ. Оқ жўхори экинидан чорва ҳайвонлари учун донадор (гранула) омухта ем озуқасини тайёрлашда хомашё сифатида фойдаланишнинг самарадорлиги.....26

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

Ю.САИМНАЗАРОВ, М.ТУРДИЕВА, Ш.АХМЕДОВ, О.ЖЎРАЕВ. Кўчатхонада Ҳиндистондан олиб келинган олма ва нок навларининг тутиши ҳамда уларнинг ўсиш динамикасини ўрганиш.....28

G‘.BOQIYEV. Uzum urug’i tarkibidagi funksional moddalar va urug’ini qayta ishlash tadqiqi.....29

А.ҚАРШИЕВ. Ўрик дарахтларига шакл бериш.....31

J.XUDAYQULOV, F.MUXTAROV. Yeryong‘oq navlari o‘sishi va rivojlanish davrlariga “mikroo‘stirgich” biopreparatining ta’siri.....32

O’.ALLAYOROV. Bamiya nav namunalarining morfo-biologik va xo’jalik belgilarini baholash natijalari.....35

Т.ҚОРАБОЕВ, М.АРАМОВ, Н.НУРМАТОВ, А.МАМАЮСУПОВ. Сурхондарё вилояти шароитида ширин қалампир нав намуналарини ўрганиш натижалари....36

Б.САЛОМОВ, М.АРАМОВ, Н.НУРМАТОВ, А.ТОШМАМАТОВ. Гулкарамнинг янги “Истиқбол” нави танлов синови натижалари.....38

И.ХАСАНОВ. Введения в культуру солодки голой в Узбекистане.....39

М.АМАНОВА, Х.АБДУЛЛАЕВА. Олтинсимон қорағатнинг янги яратилган истиқболли навлари.....41

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК

X.ARALOV, F.CHIMPAYIZOV, SH.ISSAQOV. O‘simlik moylari tarkibiga o‘tadigan hamroh moddalarning xususiyatlari.....44

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

Е.ТОРЕНИЯЗОВ, А.РЕЙМОВ. Қорақалпоғистон агробиоценозида шоли биотопи зараркунанда турлари ва келтирадиган зарар мезони.....46

ЧОРВАЧИЛИК

Ғ.МЕНГЛИЕВ, О.ҒОЙИБОВ, М.ҒОЙИПОВА. Микотоксикозларнинг паррандачиликга таъсири ва ечимлари.....47

O`.ABDIXALILOV, B.ELMURODOVA, N.KARIMOV. Baliqchilik sohasida ozuqaning modelini optimallashtirish.....49

А.КУРБАНОВ, Н.АТАБАЕВА, Н.ТИТОВА, Э.РАХИМЖАНОВА. Воздействие различных видов биоудобрений на рыбохозяйственные водоёмы при культивировании дафний в прудовых хозяйствах.....50

Е.ЛАРЬКИНА, У.АКИЛОВ, Н.АБДИКАЮМОВА, Ш.ЭРГАШЕВА. Детерминированные по полу породы тутового шелкопряда, как компоненты чистых гибридов.....52

ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ

Ф.ДЎСИЁРОВ, Е.ШЕРМАТОВ, М.ШЕРБАЕВ, Н.АЙИТБОЕВ. Каналларнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК)ни аниқлаш усулларини такомиллаштириш.....53
Ф.АРТИКБЕКОВА, Ш.ЮНУСОВ. Гидроузеллар сув ўтказиш иншоотларининг ҳозирги кундаги ишлатилиш ҳолатлари.....56
Х.ИРИСОВ, Н.АСЛОНОВ, Ш.ЖАНИЕВ. Юқори дисперсли томчиларни шакллантиришда гидро ва аэродинамик кучларнинг таъсири.....58
А.УСМАНОВ, А.НИГМАТОВ. Автоматическая защита и контроль состояния наносов на ГТС оросительных каналов...60
Б.КИРЙИГИТОВ. Использование мини- и микрогидроэлектростанций.....62
R.XO'JANIYOZOV, U.AVEZOVA. Xorazm viloyati sharoitida meliorativ tadbirlarning samaradorligi.....63
B.JOLLIBEKOV, B.TAJIMURATOV, B.JOLLIBEKOV, G.SHARAPOVA, M.JOLLIBEKOV. Qumli cho'l tuprog'ining agrokimyoviy xossalari.....66
И.ИСЛОМОВ, Г.ТЎХТАЕВА. Бухоро вилояти аллювиал-ўтлоқи тупроғининг тажриба ўтказилган ҳудудида сув-физик хоссалар.....68
А.АХАТОВ, В.НУРМАТОВА, Ш.РАББИМКУЛОВА. Определение гумусовых кислот в почве расчетным методом.....70
И.ИСМАИЛОВ. Способ обработки почвы для бахчевых культур.....72
Н.ОЧИЛДИЕВ, М.ТАДЖИЕВ, К.ТАДЖИЕВ. Оралиқ ҳамда сидерат экинларнинг тупроқ агрофизикавий хоссаларига таъсири.....73
Ф.ХАСАНОВА, И.ҚАРАБАЕВ, М.АТАБАЕВА, Д.ХОЛДАРОВА. Тупроққа турли усулда ишлов беришнинг бегона ўтлар зарарланишига таъсири.....76

МЕХАНИЗАЦИЯ

С.ТОШТЕМИРОВ, Т.РАЗЗАҚОВ, Б.САТТОРОВ. Ағдаргичли қия тутқичли чуқурюмшаткич юмшаткичини танлаш ва параметрларини асослаш.....78
С.ТОШТЕМИРОВ, Ф.БЕГИМҚУЛОВ, Ғ.ЭРГАШЕВ. Комбинациялашган агрегат қия тутқичли чуқурюмшаткич параметрларини асослаш.....80
С.ОЧИЛОВ, Ш.ҚУРБАНОВ. Ғўзапояли далаларни шудгорлашнинг афзаллиги ва уни амалга оширадиган такомиллашган плуг.....81
З.ТУРҒУНОВ, Т.РАЗЗАҚОВ, И.ЧОРИЕВ. Маккажўхори сўтасидан донини ажратиш қурилмалари конструкцияларининг таҳлили ва синов натижалари.....83
А.ТЎХТАҚУЗИЕВ, Н.КОМИЛОВ, И.ИКРОМОВ. Ток илдизларини кесадиган ва ўғит соладиган чуқур юмшаткич исканаси ва пичоғининг параметрларини асослаш.....85
М.ТОШБОЛТАЕВ, М.ХАКИМОВ, А.ТОЛИБАЕВ. Такрорий экинлар уруғларини экадиган комбинациялашган агрегат.....86
Р.НОРЧАЕВ, Б.ЖУРАЕВ. Картошка йиғиш машиналарининг элаклаш ишчи органларини такомиллаштириш.....88
Э.ЭШДАВЛАТОВ, А.СУЮНОВ, А.ЭШДАВЛАТОВ. Озуқа аралашмаси сифатини аниқлаш услубияти ва техник воситалари.....90
А.ХУРРАМОВ. Қуруқ меваларни қайта ишловчи универсал қурилманинг иқтисодий самарадорлиги.....92
М.ТЎРАҚУЛОВ, В.ЭРМАТОВ, А.ЮСУФАЛИЕВ, Б.БАТИРОВ. Кўмилган ток уюмини очишда қўлланилаётган ротацион иш органининг тупроқни суриш фаоллигини аниқлаш натижалари.....93
Н.МИРЗАЕВ, Ш.ТЕМИРОВ. Комбайнларда фойдаланиладиган занжирли узатмалар мустаҳкамлигини ошириш бўйича тадқиқот натижалари....95

ИҚТИСОДИЁТ

А.АХМЕДОВ, М.ХОЛМУРАДОВ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кластерларнинг ўрни ва аҳамияти.....97
О.РАҲИМОВ. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжаликларини ривожлантиришнинг swot-таҳлили.....100
Р.РАХМАНБАЕВА. Аграрное образование на новой ступени развития.....102
А.АБДУРАХМАНОВ. Экспорт қилиш жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш имкониятлари ва муаммолари.....103
B.ALTMISHOV. Qishloq xo'jaligi yangilanayotgan standartlar bilan.....104
Ж.КАЛИМБЕТОВ. Аҳоли даромад солиғи ставкаси таъсирининг самарадорлигини баҳолаш моделлари.....105
Ж.ТУХТАБАЕВ, Р.МАМАРАЙИМОВА. Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг объектив зарурияти...107
А.ИСМАИЛОВ. Қурилиш саноати корхоналари иқтисодий салоҳиятини бошқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари.....108
Ф.АЧИЛОВА, М.НОРОВ, А.АБРАЕВ. Коммунал соҳаси интерактив хизматларининг маълумотлар базасини ташкил этиш усуллари.....110
А.КАДИРОВ. Саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини баҳолашнинг услубий масалалари.....111
Ш.МАМАТКУЛОВА. Ўзбекистонда қурилиш материаллари бозорининг ривожланиш ҳолати таҳлили.....113
О.ХАМРОКУЛОВА. Инвестиции в туристическом секторе экономики Узбекистана.....116
Б.ЭГАМНАЗАРОВ. Кўчма устахона ходимлари оптимал сонини аниқлашнинг графико-аналитик усули.....118
А.МАМАТКУЛОВ. Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини халқаро стандарт асосида такомиллаштириш асослари.....119

Шарнирдаги бурилишнинг назарий бурчаги қиймати 12,5° ни ташкил қилди. Ўтказилган тажрибалар натижасига кўра, валик ва занжир тешиклари юзаларининг силжиш бурчаклари тажриба қийматининг назарий қийматига нисбатан оғиш кўрсаткичи 4,0% ни ташкил қилди [116; С.115-118].

Хулоса. Тажрибалар натижаси шуни кўрсатадики, пластинали занжирнинг ейилиш тезлиги ғилдиракчали занжирникига нисбатан 40% дан паст. Занжир звенолари тешикларида валик юзаларининг 13º бурчакка нисбий силжиши аниқланди, бунда валикли ғилдиракчали занжирли узатманинг бир томонлама ейилишлари пластинали занжир ейилишларидан 4,5 марта ортиши аниқланди.

Мойнинг ўртача сарфи унинг юлдузчалар бўшлиқларидаги захираси ҳисобига 3,7 г/с ни ташкил қилади ва бу узатманинг ишлаётган занжирини камида 40 соат давомида мой билан таъминлайди.

Нажмиддин МИРЗАЕВ, *PhD, доцент,*
Шерали ТЕМИРОВ, *докторант,*
И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Темиров Ш.А., Мирзаев Н.Н. «Особенности работы приводов сельхозмашин». “Инновацион техника ва технологияларнинг қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат тармоғидаги муаммо ва истиқболлари”. Тошкент. 2020 йил, 24-25 апрель – С. 247-248.
2. Temirov Sh.A., Mirzayev N.N. «Basic Types of Mechanical Transmissions and Their Application» “International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology” Vol. 6, Issue 10, October 2019, pp. 11136-11140.

УЎТ: 631.1:338.43 *ИҚТИСОДИЁТ*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида долзарб бўлган тармоқлардан бири қишлоқ хўжалигидаги кластерларни фаолияти таҳлил қилинди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ғалла етиштирувчи хўжаликларда экин ҳосилдорлиги 5-7 ц/га ошгани аниқланди. Шунингдек, кластерлар фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.*

Аннотация. *В данной статье проанализирована деятельность кластеров в сельском хозяйстве, одной из актуальных отраслей в Республике Узбекистан. В результате проведенных исследований установлено, что урожайность сельскохозяйственных культур в зерновых хозяйствах увеличилась на 5-7 ц/га. Также были разработаны предложения по развитию кластерной деятельности в будущем.*

Annotation. *This article analyzed the activity of clusters in agriculture, one of the relevant sectors in the Republic of Uzbekistan. As a result of the conducted research, it was found that the crop yield in grain farms increased by 5-7 per hectares. Also, proposals for the development of cluster activity in the future were developed.*

“Ҳозирги кунда юртимизда мамлакатлар миллий иқтисодиётига юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – бу қишлоқ хўжалигидир”. Кластер – қишлоқ хўжалигида туб бурилиш ясади.

Ўзбекистон аҳолисининг деярли тенг ярми қишлоқ жойларда яшайди. Шу сабаб, бевосита соҳада фаолият олиб бормаса-да, қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлган ҳар бир янгилик, ўзгариш, жорий этилаётган янги иш усуллари кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Хўш, қишлоқ хўжалигига жорий қилинган кластер тизимининг афзалликлари нимада? Кластер ўзи нима? Бу саволга қисқача тўпланиб, ишни амалга оширишдир, десак хато бўлмайди. Замонавий инфратузилма ва илғор технологиялар билан кластер ва кооперация тизимини ривожлантириш қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Бу тизим ишлаб чиқариш занжирини тўлиқ таъминлайди: майдондан истеъмолчигача. “Даладан столгача” ишлаб чиқариш занжири кластер ишлаб чиқариш объектлари, агрологистик марказлар ва кооперативлар асосида қурилмоқда, экспортни оширишнинг янги имкониятлари яратилмоқда.

Кластерларда ҳосилдорликнинг юқори бўлиши ҳисобига ишлаб чиқарувчилар даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда илмий-инновацион ютуқлар ва илғор технологиялар кластерлар жорий этилиши натижасида пахта ҳосилдорлиги 26,4 ц/га дан 30 ц/га, ғалла ҳосилдорлиги 57,8 ц/га дан 63,5 ц/га ошди. Ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатлари 1,5 баробар ошди, бир ходимнинг ўртача ойлик маоши 2018 йилга нисбатан 2,4 баробар ошди.

Кейинги 3 йилда кластерлар негизида ҳудудларда 152 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. 2018-2021 йилларда кластерларга қўшимча қиймат занжири яратиш учун 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинди. 2019-2021 йилларда 10,8 минг гектар майдонда интенсив мевали боғлар ва 19,7 минг гектар майдонда токзорлар ташкил этилди. 250 минг гектар ерда сувни тежайдиган технологиялар ва 1,5 трлн. сўмлик ресурс тежайдиган замонавий ускуналар жорий этилди. Кластерлар 2,2 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерларини қамраб олди.

Кейинги йирик лойиҳа — агросаноат мажмуаси учун ягона интеграция платформасини яратиш бўлиб, унда 20 га яқин вазирлик ва идораларнинг иш жараёнлари интеграция қилинади. Мазкур лойиҳа Жаҳон банки томонидан молиялаш-